

**Давлат - жамият сиёсий тузилмасининг асосий ташкилоти
сифатида.**

Кириш

Асосий қисм

I-боб

1.1. Давлат тушунчаси, моҳияти ва белгилари.

1.2. Давлатнинг асосий шакллари ва вазифалари.

II-боб

*2.1. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкилий тузилмаси ва
унинг истиқболи.*

*2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
асарларида давлат масалалари.*

Хулоса

Жамият сиёсий системасида етакчи вазифани сиёсий ҳокимият муассасалари амалга оширадilar. Улар қаторига биринчи навбатда давлат аппарати ўзининг қонун чиқариш, ижро этиш ва ҳакамлик кўринишлари билан яхлит бир механизмни ташкил қилган ҳолда киради ва амал қилади. Давлатнинг жамият сиёсий системасида асосий сиёсий муассаса сифатида амал қилиши жараёнини батафсил кўриб чиқамиз.

Давлатнинг илмий-методологик таърифи ҳали ҳам муайян қолипга тушмаган, бу унинг табиатидан келиб чиққан бўлиши мумкин, чунки унда жуда кўп қиррали, турли хилма-хил ижтимоий кучларнинг асл мақсад ва манфаатлари, орзў-умидлари бир нуқтада жамлангандек акс эттирилган. Шунинг учун давлатнинг асл табиати ҳақидаги илмий назарий фикр-мулоҳазалар ҳам турлича ва хилма-хил тарзда ифода топгандир.

Ҳаммамизга маълумки, давлат инсоният тарихий тараққиётининг ҳамма паллаларида ҳам бўлмаган ва амал қилмаган, бундан кейинги асрларда ҳам у абадий сақланиб қоладиган ва амал қилаверадиган жамият сиёсий системасининг асосий муассасаси деб уқтириш объектив ҳақиқатга зид тарздаги тафаккур меваси бўлар эди. Шунинг учун давлатни узоқ муддат давом этган инсоният тарихий тараққиётининг ишлаб чиқариш кучлари юксалиб бориб, меҳнат тақсмоти чуқурлашиши ва хусусий мулкчилик муносабатларининг келиб чиқиши натижасида вужудга келган, жамиятнинг турли ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳларга бўлиниб кетиш жараёнининг ҳосиласи сифатида талкин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат - ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олами ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари - давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юриштида эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўровонлик билан иш олиб борса - реакцион давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда «мамлакатимиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзларни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари - фуқаролар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди.¹

Давлат жамиятининг сиёсий системасида марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун у сиёсий системанинг асосий муассасасини, етакчи ва ҳал қилувчи таркибий бўлагини ташкил қилади. Ўзининг тузилиши жиҳатидан ниҳоят даражада мураккаб бирликни ташкил этган давлат муассасаси

¹ Қаранг: Конституциявий ҳуқук. Изоҳли луғат. Т.: «Академия» 2001, 27-бет.

сифатида ҳам кўп томонли ва кўп қиррали алоқаларга киришиши табиий бўлгани туфайли унинг таърифи ҳам бир мазмунли бўлиши мумкин эмас.

Давлат жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши турган ижтимоий синфларга, бўлиниб кетиши натижасида келиб чиққан барча ҳаёт жабҳаларини ташкил этиш ва уюштиришнинг сиёсий шаклидир.

Давлат синфий жамият сиёсий системасининг асосий муассасаси бўлиб, жамиятни бошқариш, унинг иқтисодий ва ижтимоий тузумини ҳимоя қилиш, мазкур тузум асосларини қупориб ташламоқчи бўлган мухолиф кучларининг қаршилиқ ҳаракатини бостириши вазифаларини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Давлат жамиятнинг асосий муассасаси бўлган ҳолда унинг ягона муассасаси вазифасини адо этмайди. Жамият сиёсий тизимида давлат муассасалари атрофида амалий фаолият олиб борадиган турли сиёсий партиялар, касаба, ёшлар, хотин-қизлар уюшмалари, диний бирлашмалар, ижтимоий-жамоат ташкилотлари, ихтиёрий кўнгилли жамиятлар ва шу кабилар мавжуд бўлади.

Айрим сиёсатшунос олимлар давлат ҳокимиятининг асосий бурч-вазифаларини янада кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, сиёсатшунос Ш.Шарипов ўзининг «Сиёсатшунослик» ўқув қўлланмасининг иккинчи китобида давлат ҳокимиятининг қуйидаги бурч-вазифаларини келтириб ўтади: 1) ўзини вужудга келтирган сиёсий тузум асосларининг барча мавжуд имкониятларини ишга солиб ҳимоя қилиш; 2) ижтимоий-сиёсий жихатлардан хавф туғдирадиган барча можаро-тўқнашувларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш; 3) иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатларни уйғунлаштириб, йўналтириб туриш; 4) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида аввалдан режалаштирилган ва муайян мақсад сари йўналтирилган мамлакат ички сиёсатини юритиб, жамиятни бошқариш; 5) мамлакат манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилаган ташқи сиёсат ўтказиш; 6) мамлакат мудофаасини ташкил этиш.

Давлат улардан қуйидаги ҳоллар билан фарқланади:

1. Жамиятнинг барча аъзоларига ва барча ижтимоий қатламларига тааллуқли олий ҳокимиятни амалга оширувчи идоралари ҳамда муассасаларнинг мавжудлиги билан;

2. Давлат томонидан ҳамма учун риоя қилиниши шарт бўлган ҳуқуқ-атвор ва ахлоқ-одоб қоидалари мажмуининг ҳуқуқий асосларининг мавжуд бўлиши билан;

3. Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ доираси белгиланган муайян ҳудуднинг мавжудлиги билан фарқланади.

Давлат ва унинг амалга ошираётган ҳокимият тизимлари ўзи вужудга келтирган сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий муносабатлар, назорат қилиш аппаратлари жамиятга қарши қаратилаган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, маъмурий тизимлар орқали жамият ижтимоий муносабатларининг бутун мажмуини яхлит тарзда қамраб олади, бу билан у жамиятни бирлаштиради ва уни ҳамжиҳатликка олиб боради.

Давлат ўз сиёсий ҳокимияти амал қиладиган муайян ҳудуд доирасида бўйсундириш ҳукмронлигини амалга ошириш имкониятига эга бўлади, бу эса асосан айрим ижтимоий гуруҳларга нисбатан ҳомийлик бошқа ижтимоий гуруҳларга нисбатан эса зўравонлик вазифаларини адо этишни тақозо қилади.

Ундан ташқари, давлат ҷамият сиёсий системасининг асосий муассасаси сифатида бутун ҷамият номидан мамлакат ички ва ташқи сиёсатини юритиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб қолади.

Давлатнинг асосий белгиловчи хусусиятлари ҳақида фикр мулоҳаза юритганда, юқорида келтирилган фарқли белгиларни асос қилиб олган ҳолда қуйидагиларни яна бир бор такрорлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- давлат ҳокимиятини амалга оширадиган ихтисослаштирилган идора ва муассасаларнинг алоҳида, махсус системаси мавжудлиги;

- давлат ҳокимияти томонидан маъқулланган ва тасдиқланган муайян тартиб қоидалар системасини ақс эттирувчи ҳуқуқлар мажмуасининг мавжудлиги;

- мазкур давлатнинг ҳуқуқий ҳукмронлиги амал қила оладиган ҳудудига эга бўлиши мавжудлиги.

Давлатнинг моҳияти пировардида ҷамиятда ҳукм сураётган ва амал қиладиган ишлаб чиқариш усулларининг, хусусан, ишлаб чиқариш муносабатларининг табиатидан келиб чиқади, у билан диалектик боғлиқлик ва алоқадорликда бўлади. Бошқача қилиб айтганимизда, давлат ҷамиятнинг иқтисодий базиси устига ўрнатилган сиёсий усткурмани англади. Бундай боғлиқлик ва алоқадорлик доирасидан ташқари ҳолатда давлатнинг бир тарихий туридан унинг иккинчи турига, кейингисига ўтиши жараёнларини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Давлат ҷамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, ҷамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли ҷамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндашув мавжуд: ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий.

Давлат моҳиятини тушунишдаги 1-ёндашувга кўра, давлат - умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. 2-ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади. 3-ёндашувнинг асоси: қўйидагича: давлат ҷамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.¹ Албатта учала ёндашувда ҳам муайян асос бор. Янгилишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштириганда бошланади. Демак.

¹ Саидов А., Таджикханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999, 9-10-бетлар.

Давлат - суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-худудий ташкилотидир.

Давлат - бутун мамлакат микёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат - жамият сиёсий тизимнинг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, шамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир.

Давлат - ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари бир-бирига жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар қўйидагилардан иборат:

Теологик назария («бутун ҳокимият худоники» деган қоидага асос.)

Патриархат назария (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиқан.

Шартнома назарияси (XVII-XVIII асрларда ёйилган, давлат -онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).

Зўрлик назарияси (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).

Ирригация назарияси (Шарқда улкан ирригация иншоотларини қўриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).

Синфий назария К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин -фикрича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиш туфайли келиб чиққан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, унинг ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н.Макиавеллидан бошланган.

Давлат ҳокимияти - (давлат аппарати) - бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти - халқ ҳокимиятининг махсус тузилма - давлат орқали амалга оширилиши. Давлат ўзининг органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўплагандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида ва таъсир чораларини қўллайди. Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 4 та бўлиниш принципи мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг халқ ҳокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент), 2) ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимияти. 4)

Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимиятдир (Бу дунёдаги ривожланган мамлакатларда). 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис 8-сессиясида «Референдум, якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинди.

Конун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидаги ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. қонун чиқарувчи ҳокимият ғарбда: Парламент, Сейи, Конгресс ва ҳ.к. деб юритилса Шарқда: Олий мажлис, Кенгаш, Ҳалқ қурали ва ҳ.к. деб аталади.

Парламент (фран. парле - гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади) - давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламент биринчи марта Х111 асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литвада, Латвия, Польшада Сейи деб аталади. Парламентни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади. Дунёда 130 давлатда парламент бошқаруви мавжуд.

Олий Мажлис - Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий Давлат органидир.¹ Халқ вакиллари депутатларидан иборат бўлган унинг таркибида 1990-1994 йилларда 150 депутат, 1995-2004 йилларда эса 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан 1) умумий, 2) тенг, 3) тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, 4) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари 5 йил муддатга сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишли муддатларда ўтказиладиган сессияларда амалга оширади, сессиялар бир йилда камида 2 марта чақирилиши белгиланган. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузалди. Олий Мажлисининг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган. 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинади. 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги қонун қабул қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 16-20-бетлар.

Дунё мамлакатларининг баъзиларидаги парламентларида депутатлар сони қўйидагича:

АҚШ Конгрессига 535 депутат сайланади.

Россия Федерал Мажлисига 626 депутат сайланади.

Мисрда Халқ Ассамблеясига 454 депутат сайланади.

Исроил Кнессетига 120 депутат сайланади.

Финляндия, Эдусуктига 200 депутат сайланади.

Исландия Альтингига 63 депутат сайланади ва ҳ.к.

Парламентаризм тажрибаси кўрсатадики, парламент 1 палатали ёки 2 палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида 2 палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида 2 палатали парламентлар сони 45 тадан 70 га кўпайди. Ҳозирги замонда 2 палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. 2000 йилнинг 14 мартда Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида парламентнинг 2 палатали бўлиши мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнайди, деган хулосага келинди. Мустақил Ўзбекистонда парламент қачон тузилди? Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган пайтда мамлакатда 1990 йил февралда сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият органи - Олий Кенгаш фаолият кўрсатмоқда эди. Олий Кенгаш 1994 йил декабрига 200 га яқин қонун ва 500 дан ортиқ қарорлар тайёрлади ва қабул қилди. 1992 йил декабрда қабул қилинган Конституцияга биноан янги парламент - Олий мажлис вужудга келди. 1994 йил декабрь ойида 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига депутатлар сайланди. Республика парламенти - Олий Мажлис 1995-1999 йилларда 10 кодекс, 2 миллий дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда 1999 йилда сайланган 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият юритмоқда. 1994 йили Ўзбекистонда Олий Мажлис бир палатали парламент кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланиб 250 нафар депутат қилиб белгиланган эди. 2004 йилда парламентда 2 палатали, яъни юқори палата сенат ва қуйи қонун ишлаб чиқарувчи палата депутатлари, сони ошиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2000 йил 25 май куни 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида 2 палатали парламентни тузиш ғоясини илгари сурди.¹ 2-чақириқ Олий мажлис 2000-2004 йилларда фаолият кўрсатди. Олий Мажлисининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтқазиб тўғрисидаги қарорига кўра 2002 йил 27 январда референдум ўтқазилиб овоз бериш бюллетенига қўйидаги мазмундаги саволлар киритилди:

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз? (93,65 фоиз сайловчилар «ха» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари, қарши овоз 6,35 фоиз.

¹ «Халқ сўзи». 2000 йил 16 май.

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатига 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиришга розимиси? (умумий сайларниларнинг 91,78 фоизи «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган 11.117.841 нафардан 91,78 фоизи, қарши 8,22 фоиз.

Ижро қилувчи ҳокимият давлатнинг турли хилдаги идаралари ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар қонунларда ифодаланган тадбирларни ҳаётга жорий этади. Ижро этувчи ҳокимият - ҳокимиятнинг алоҳида тури, у қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан холи, мустақил равишда иш олиб боради. Республика ижро этувчи ҳокимиятга Президент бошчилик қилади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга ҳоким бошчилик қилади. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширади. Ижро органлари - ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи - Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳукумат ҳам ҳисобланади ва коллегиял, умумий ваколатли органдир. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқалар, улар яккабошчилик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради.¹ Ҳозирги замон конституциялари ижроия ҳокимият ваколатларини давлат бошлиқларига (парламентар монархиялар ва республикаларда, президентлик республикаларида) ёки ҳукуматга (аралаш типдаги республикаларда беради. Бироқ парламентар монархиялар ва республикалар ишида бутун ижроия ҳокимият ҳукуматга, дуалистик монархияларда - монарх ва ҳукуматга тегишлидир, аралаш типдаги республикаларда ҳукумат томонидан ижроия ҳокимиятни амалга ошириш қоида тариқасида давлат бошлиғи (Президент)-нинг бевосита раҳбарлиги ёки остида юз беради. Минтақавий ва маҳаллий даражада ижроия ҳокимият маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарувнинг турли органлари (губернаторлар, мэрлар, префектлар, оқсоқоллар ва уларга бўйсунувчи аппарати) томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятининг раҳбари - Президент, шунингдек ижроия ҳокимият органи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар. Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, қароқалпоғистон Республикасида эса Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланади.²

Суд ҳокимияти қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилган қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат идоралари муассасаларидан ташкил топади.³

¹ Азизхўжаев А. ва бош. Конституциявий ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 44-45-бетлар.

² Юридик Энциклопедия. Тошкент: «Шарқ», 2001, 175-176-бетлар.

³ Рамазанов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 104-бет.

Давлат ҳокимияти ўзининг тузилиши, мазмуни, мақсад ва вазифаларига кўра бир хил бўлмайди. У айрим мамлакатларда кенг халқ оммавининг иродасини ифода қилса, баъзи мамлакатларда эса алоҳида сиёсий кучларнинг ёки озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шунга кўра бу ҳокимият ё халқ ҳокимияти ёки мустабид ҳокимият бўлади.

Мустабид ҳокимият озчиликнинг ҳокимияти бўлиб, у зўрликка асосланади. Бундай ҳокимиятлар кўпчиликни итоатда тутиб туришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб қўйишга, демократияни тақиқлашга ҳаракат қилади. Мустабид ҳокимият жазолаш, мажбур қилиш усуллари кучайтиришга ва шу йўл билан ўз ҳукумронлигини сақлаб қолишга интилади. Ўтмишда бундай ҳокимиятлар жуда кўп бўлган. Наполеон, Гитлер, Муссалонилар бошчилик қилган ҳокимиятлар зўрликка асосланган ана шундай ҳокимиятлар бўлган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилувчи халқ ҳокимияти ҳисобланади ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Давлат тузуми - Конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нормалари билан белгиланадиган ва мустаҳкамланадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тизими. «Давлат тузуми» «конституциявий тузум»га қараганда кенгроқ тушунчадир.

Давлат суверенитети - (фран.) - давлатнинг ўз ички ишларида ва ташқи муносабатларида бошқа бир давлатдан тўла мустақиллиги.¹ Суверенитет - ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги бўлиб, мамлакатнинг мустақиллигини билдирувчи тушунча. Конституциявий ҳуқуққа давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади. Давлат суверенитети - ҳокимиятнинг мамлакат ичида олийлиги ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллигидир. Бунда ҳеч қандай ташқи давлат ишларига таъсир қила олмайди. Миллат суверенитети - миллатларнинг тўла ҳокимиятини, уларнинг тўла сиёсий эркинлигини, ўз ҳаётини ихтиёрий ташкил қила олишини, мустақил давлатни ташкил қила олишини билдиради. Халқ суверенитети - халқнинг тўла ҳокимиятини билдиради, яъни халқ жамият ва давлатни бошқариш имкониятини берадиган ҳамма иқтисодий ва сиёсий воситаларга эга бўлади.²

Давлат рамзлари - Конституцияда белгиланган бўлиб (5-модда), байроқ, герб ва мадҳия ҳисобланади. Уларнинг тузилишининг шакли, мақсади, ишлатилиши махсус қонунлар билан тасдиқланган. Булар мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи рамзий белгилардир.³ Уларда мамлакат хусусиятлари акс эттирилади. Давлат рамзлари (юнон. белги) умуман Конституция ёки махсус қонун билан алоҳида бир давлатнинг тарихий даврдан келиб чиқиб ўрнатилган махсус белгиси бўлиб, бу белги миллий суверенитети акс эттиради, баъзан маълум мафкуравий маънога ҳам эга

¹ Конституциявий ҳуқуқ асослари. Т.: «Шарқ», 2001, 251-бет.

² Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: Академия, 2001, 97-бет; Юридик энциклопедия. Тошкент: «Шарқ», 2001, 404-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 6-7-бетлар.

бўлади. Ассан ва умуман давлат рамзларига (байроқ, герб, мадҳиядан ташқари ҳам) кўйидагилар киради:

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси.

а) давлат байроғи - 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

б) давлат герби - 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

в) давлат мадҳияси - 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг номи. Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ «Давлатнинг Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маъно англатади» деб ёзиб қўйилган. «ЎзР» ёки «РУ» деб ёзиш керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси. (1992 йил 8 декабрда қабул қилинган).

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган ва конституциянинг 4-моддасида ҳам айtilган.

5) Мустақил давлат пойтахти. Конституциямиз 6-моддасида баён этилган.

Мустақил давлат фуқаролиги. Конституция 21-моддасида айtilганидек, фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир.¹

Давлат мукофотлари ва унвонлари (1997 йил ноябргача 30 та Ўзбекистон Республикаси фахрий унвони таъсис этилган.

Миллий валюта. 1994 йил 16 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республика миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Президент Фармони. 1994 йил 1 июлдан «Сўм» муомалага киритилди.

Давлатнинг асосий белгилари, шакллари ва вазифалари

Давлатнинг асосий белгилари - бу давлатни мустақил давлат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган тушунчалардир. Мустақил давлат бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, Конституцияси, аҳолиси (халқи), давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги бўлиши зарур. Демак, давлатнинг асосий рамз-белгилари куйидагилардан иборат:

Ўзига хос оммавий ҳокимиятнинг - давлат (ижтимоий) ҳокимиятнинг таъсис этилганлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги.

Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги.² Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдиради. Ёки бошқача айтганда фуқароларнинг территориал жихатдан бўлинганлиги.

Суверенитетлиги (фран. Олийлиги), яъни ички ва ташқи сиёсатни ўтқозишда мустақил бўлиш.

Ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлиги.

¹ «Туркистон». 1997 йил 19 ноябрь.

² Саидов А., Таджикханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР. ИИВ Академияси, 1999, 10-11-бетлар.

Давлат аппаратининг сақланиши ва таъминланиши учун ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун солиқларнинг солиниши.

Умуминсоний функцияларни (вазифаларни) бажариш, яъни ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш учун қуролли кучлар ва бошқа мажбурловчи органларнинг мавжудлиги.

Конституция, давлат рамзлари ва фуқаролик мақомининг мавжудлиги. Шўро давридаги Коммунистик сиёсий ҳокимиятнинг 5-та тирговчиси бўлган.

Халқ хўжалигини иқтисодий бошқарув.

КГБ

Милиция

Суд ва прокуратура

Оммавий ахборот воситалари (халқни ғоявий лақиллатган)дан самарали фойдаланган.

Биз олдинги мавзуларда таъкидлаганимиздек, марксизм-ленинизм давлатнинг тарихий типларини 4-та қилиб кўрсатиб келган:

Феодал давлат.

қулдорлик давлати.

Буржуа давлати.

Социалистик давлат ва ҳ.к,

Давлат шакли - деганда, давлат тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлар тушунилади. Давлат олий органларини ташкил этиш усули, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва уни амалга ошириш усуллари дир. Давлат шакли 3 элементдан ташкил топади. Бу давлат шаклининг 3-та элементи куйидагилардан иборат:

Давлатнинг бошқарув шакли;

Давлатнинг тузулиш шакли;

Сиёсий режим.

Энди буларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Давлатнинг бошқарув шакли - Олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштироқ этиш даражаси тушунилади. Ёки бошқача айтганда, давлатнинг бошқарув шакли - ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларининг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги - давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади. Дунёдаги барча мамлакатлар давлатни бошқарув ҳақлига қараб иккига ажратадилар: монархия ва республикага бўлинади.

Монархия шакли - (юнон. якка ҳокимлик) - олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқарув шакли. Бунда давлат бошлиғи наслдан-наслга ўтади ва монарх умрбод давлат бошлиғи бўлади. Монархиянинг асосий белгилари куйидагилардан иборат:

1) Монарх давлатни шахсийлаштиради, ташқи ва ички сиёсатга давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқади.

Монарх давлатни якка ўзи бошқаради.

Монарх ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинади.

Монарх ўз фаолиятида расман мустақилдир.

Ҳокимиятни ўрнатиш, қабул қилиш (легитимлаштириш)нинг алоҳида тартиби мавжуд.

Муддатсиз, умрбод бошқарув.

Монарх ўз бошқарувининг натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар эмас.

Монархия давлат бошқарувининг 2 тури мавжуд: 1) Мутлақ ва 2) конституцион монархия бошқаруви. 3) Парламентлик монархия. 4) Чекланган монархия.

Мутлақ (абсолют) монархия - бунда монархнинг ваколати чекланмаган, у ягона ҳукмдор бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида) бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Мутлақ монархия ҳозирги кунда 8 та мамлакатда сақланган, улар қаторига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, қувайт ва бошқалар киради.

Конституцион монархия - (ёки буни чекланган - парламентлар ҳам дейилади) шакли ҳам мавжуд. Агар монархнинг ҳокимияти Конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади. Бунда мамлакатда қонунчиликни парламент, ижро ҳокимияти ҳукумат олиб боради. Масалан, Япония ва бошқа мамлакатлар киради. Монархлар турли мамлакатларда турли номлар билан аталади. Масалан, Японияда - император, Англияда, Испанияда - қирол, Малайзияда - султон, қувайтда - амир, Люксембургда - буюк герцог.

Республика шакли - (юнон. «умумий иш») ҳокимиятнинг олий идоралари муайян муддатга сайланадиган давлат бошқарув шаклидир. Бунда давлат органлари сайланади (масалан, парламент). Республикада фуқаролар сиёсий ва шахсий ҳуқуққа эга бўладилар. Ҳозирги вақтда дунёдаги барча давлатлардан 140 таси республика шаклида бошқарилади. Республиканинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

Ҳокимият олий идораларининг сайлаб қўйилиши.

Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши.

Ҳокимият олий органларининг ўз қарорларини узоқ вақт давомида қабул қилиши.

қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган бўлган судлар обрўйининг ортиши.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок эта олиши.

Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга бўлинади:

Президентлик республика - бунда давлатни халқ томонидан сайланадиган, жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Масалан, АҚШ, Мексика,

Ўзбекистон ва х. к. Ўзбекистон давлат тузуми - Республика Давлат ва ҳукумат бошлиғи - Президент.

Парламентар республика - бунда давлат бошлиғи - сайланувчи мансабдор шахс - жуда кичик ваколатларга эга. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга. У ҳукуматни бошқармайди, ҳукуматни Бош Вазир бошқаради. Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Италия, Германия, Венгрия, Австрия кабилар мисол бўла олади. Бу мамлакатларда, яъни парламентар республикада парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди.

Аралаш типдаги республика (ярим президентлик) - бунда Президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Масалан, Францияда Президентни халқ сайлайди, у жуда катта ваколатларга эга, аммо у ҳукуматни бошқармайди.

Суперпрезидентлик республикаси.

Социалистик республика.

Давлатнинг тузилиш шакли. Бу давлатнинг тузилишини билдирувчи хусусият бўлиб, давлатлар 1) федератив (мураккаб) ёки) унитар (оддий) ҳамда 2) конфедератив турларига бўлинади.

Федератив давлат (фран. бирлашма, иттифоқ) - маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат миллий ёки ҳудудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари: республика, вилоят, ўлка (Россия), штат (АҚШ ва Хиндистонда). Ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фуқаролик бўлади. Унитар давлатдан фарқли ўлароқ федерация ҳокимият олий органларининг 2 тизимига эга: 1) федерал органлар ва 2) федерация аъзоларининг тегишли органлари, федерация аъзоларининг тегишли органлари, федерал органлар ўз ваколатлари ва функцияларини бутун мамлакат ҳудудида амалга оширадилар. Федерацияни ташкил этувчи тузилмалари том маънодаги давлатлар эмас.

Федератив давлат белгилари:

федерация ҳудуди унинг субъектлари ҳудудидан ташкил топади;

олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерал давлат органларига тегишли бўлади;

федерация субъектлари ва федерациянинг ўзи ўртасидаги ваколатлар иттифоқ конституцияси билан ажратилади;

федерация субъектлари ўз конституцияси, ўзларининг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга;

федерациянинг олий қонун чиқарувчи (вакиллик) идораси 2 палатада тузилмага эга (федерация аъзоларининг манфаатларини ифода этувчи палата мавжуд);

икки фуқаролик (иттифоқ ва федерация субъектлари фуқароси).

Федерация ҳудудий ва миллий турларига бўлинади.

1) Ҳукукий федерация куйидаги хусусиятларга эга:

а) федерациянинг ушбу турини ташкил этувчи давлат тузилмалари суверен давлатлар бўлмайди;

б) субъектлар халқаро муносабатларда бевосита иштирок этиш ҳуқуқидан конституция билан маҳрум этилган;

в) иттифоқдан бир томонидан чиқиш тақиқланган;

г) курулли кучларни иттифоқ идораси бошқаради.

Миллий федерациянинг хусусиятлари куйидагилардан иборат:

а) субъектлари - миллий давлатлар ва миллий-давлат тузилмалари;

б) федерация субъектлари ихтиёрийлик принципига мувофиқ бирлашдилар;

в) катта ва кичик миллатлар суверенитети кафолатланади;

г) олий давлат идоралари федерация субъектларининг вакилларидан ташкил этилади;

д) миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Жаҳонда 20 дан кўпроқ федерациялар бор. Хусусан, АҚШ, ГФР, Бразилия, Россия, Хиндистон (Бир вақтлар собиқ СССР, Чехославакия, Югославия) каби.

Унитар давлат (фран. ва лот. Бирлик) - давлат ёки миллий давлат тузилишининг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларида бири хисобланади. Бунда давлат ҳуқуқи маъмурий-ҳудудий бирликларга (вилоят, округ, туман, департамент ва х. к.) бўлинади. Унитар давлатда, федерациядан фарқли равишда, ҳудуд, битта конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти ягона, олий вакиллик органи. Битта ҳукумат мавжуд бўлади. Бу эса мамлакатнинг бутун ҳудудида марказий ҳокимиятнинг таъсирини кучайтириш учун ташкилий-ҳудудий шароитлар яратади. Айрим ҳолларда унитар давлатга мухтор давлат ташкилота мақомига эга бўлган бир ёки бир неча бирликлар кириши мумкин. Масалан, мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Умуман, унитар давлат ягона конституцияга, ягона олий қонунчилик ва олий идора органига эга марказлашган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, қозоғистон, Туркманистон, қирғистон, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. унитар давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади, давлатда одатда бир миллатли бўлади.

Унитар давлат белгилари куйидагилардан иборат:

бир мамлакат миқёсида бир хил бўлган вакиллик, ижроия ва суд органлари бўлади;

битта консультация;

ягона қонунчилик тизими;

ягона фуқаролик;

ягона пул бирлиги;

барча маъмурий ҳудудий бирликлар учун умумий бўлган солиқ ва кредит сиёсати;

унитар давлатлар таркибий қисмлари суверенитетга эга эмас (яъни том маънодаги давлатлар эмас);

ягона армия.

Конфедератив давлат (лот. иттифоқ, бирлашма) - давлатлар иттифоқининг муайян шакли бўлиб, унда иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетларини тўла сақлаб қоладилар. Конфедерация ҳам халқаро ҳуқуқий ташкилот, ҳам давлат ташкилоти хусусиятларига эга. Ҳозирги кунда дунёда биттагина конфедерация - Европа Иттифоқи мавжуд. Турли давлатларда кўйидагилар конфедерация шаклида бўлган: Австрия-Венгрия (1918 йилгача), Швеция ва Норвегия (1905 йилгача), АҚШ (1781-1787 йй.). Швейцария (1815-1989 йй.). Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, конфедерация ўтиш даврининг ёки иттифоқнинг тўла барбод бўлиши ёхуд федератив (иттифоқ) давлатига айланишининг шаклидир. Конфедерацияда ягона пул тизими ўрнатилмайди, иттифоқ фуқаролиги бўлмайди ва ҳ.к.

Конфедерация белгилари куйидагилардан иборат:

конфедерация - муайян мақсадларга эришиш учун бирлашган мустақил давлатлар иттифоқи;

конфедерация - мустаҳкам бўлмаган тузилма;

ягона ҳудуднинг йўқлиги;

ягона фуқароларнинг бўлмаслиги;

конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиш ҳуқуқига эгадир;

конфедерация субъектлари иттифоқ ҳокимияти қонун ҳужжатларини нулфикация қилиш ҳуқуқига эгадир;

конфедерация ваколатига унча кўп бўлмаган (уруш ва тинчлик) масалаларини ҳал этиш қиради;

конфедерация бюджети унинг аъзоларининг ихтиёрий бадалларидан ташкил топади.

Сиёсий режим. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усули, ташкил этишнинг бир шакли ва йўналишларининг мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ҳамда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради. Аммо бу ҳамда умум эътироф этган ягона фикр йўқ. Аслида сиёсий режимни жамият сиёсий (давлат ҳокимиятини) ҳокимиятини амалга ошириш усуллари, шакллари, йўллари тизимини белгилайди. Бу ҳокимиятнинг функционал тавсифидир. Сиёсий режим - давлат шаклининг инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгиловчи энг муҳим элементи. Давлатчилик тарихида сиёсий режим 2 та катта гуруҳга

бўлинади: 1) демократик режим ва 2) антидемократик режим (демократияга зид режим).

1) Демократик режим. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

а) Вакиллик демократияси - халқнинг ўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимиятнинг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйишадиган органлари орқали амалга оширилишини билдиради.

б) Бевосита демократия - халқнинг демократик ҳокимият масалаларини хал этишда умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан тўғридан-тўғри иштирок этиши.

Демократик режимнинг белгилари:

а) шахснинг иқтисодий соҳада эркинлиги;

б) инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг эълон қилиниши ва кафолатланиши;

в) барча шакллардаги ва том маънодаги демократия;

г) ҳокимият ваколатларининг бўлиниши;

д) ижтимоий ҳаётда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм), ижтимоий бирлашмаларнинг кўплиги;

е) қонун устуворлиги.

Агар давлатда демократик режим ҳукмрон бўлса, демак бу давлатда фуқаролар умум эътироф этган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланадилар, давлат эса уларни нафақат тан олади, балки ҳар томонлама кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

а) либерал режим.

б) асл демократик режимларга бўлинади.

Антидемократик режим (демократияга зид режим) да давлат идоралари ҳокимиятни амалга ошириш чоғида демократия принципларига ва қоидаларига риоя этмайдилар, уларни доимо ёки тез-тез бузадилар. Антидемократик режим белгилари қуйидагилардан иборат;

а) давлатнинг ҳуқуқдан устунлиги;

б) давлатнинг жамият ҳаёти билан барча соҳаларини назорат қилиши;

в) давлатнинг шахс манфаатларига бефарқлиги;

г) Жамоат ташкилотларнинг давлатлаштирилиши;

д) ижтимоий ҳаётнинг бутунлай ҳарбийлаштирилиши;

е) кам сонли миллатлар манфаатларига эътибор берилмаслиги.

Антидемократик режим ўз навбатида қуйидаги кўринишларга эга:

а) тоталитар режим.

б) фашистик режим.

в) автократик режим.

Булар ҳақида алоҳижа мисоллар келтириш мумкин.

Давлатнинг вазифалари: мамлакатнинг нормал ривожланиши таъминлаш ҳисобланади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий ташкил қилиш натижасида фаровон ҳаётни яратиш демакдир. Мамлакатнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам

давлатнинг вазифасидир. Давлат ўз вазифасини бажариш жараёнида чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатади ва ўз фуқароларининг манфаатини чет мамлакатларда ҳам ҳимоя қилади. (Конституцион ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 31-бет). Шу билан бирга давлат ҳокимияти мамлакатда ижтимоий тартибни сақлайди, фуқароларнинг тотувлигини, давлатнинг бир бутунлигини таъминлаб, уни ички ва ташқаридан бўладиган кукумлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

Давлат ҳокимияти вазифалари ички ва ташқи функцияларга бўлинади:

Давлатнинг ички функциялари давлат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Ички функцияга қуйидагилар киради:

а) регуляция (тартибга солиш, бошқариш) - мамлакатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

б) кўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш) - қарама-қарши кучлар қаршилигини бостириш. Ички хавфни бартараф этиш.

в) ижтимоий ҳимоя, маъмуриятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ тартиботини таъминлаш ёки фуқароларнинг тотувлигини сақлаш.

г) маънавий-мафкуравий фаолиятни, сиёсий онгни шакллантириш.

Ташқи функциялар - давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу ўз навбатида:

а) мудофаа ва хавфсизлик - мамлакатни ташқаридан бўладиган ҳужумлардан мудофаа қилиш.

б) халқаро ҳамкорлик: халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш.

в) бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли нормал муносабатларни бошқариб бориш.

г) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда халқаро меҳнат тақсимоотида иштироқ этиш ва ҳ.к.

Демократик ва ҳуқуқий давлат тушунчалари ҳамда мустақиллик ва Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш жараёни.

Демократия (грек. Халқ ҳокимияти) - халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий плюрализм, фуқаролар эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқлари сингари конституциявий принципларни эътироф этишга асосланган давлат тузилиши шаклидир. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштироқ этиши, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон муносабатларини белгилайди. Демократия (биз олдинги мавзуларга баён этганимиздек) бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон республика Конституцияси мамлакат демократик тараққиётининг стратегик йўналишларини, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини

ҳалқаро андозалар йўналишларини, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини миқёсида белгилаб беради, ҳалқаро ҳуқуқ устунлигини, ҳокимиятлар тақсимланишини, давлатнинг асосий муассасалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг сайланишини, кўппартиявийликни, мафкуравий плюрализмни ўзида акс эттиради.

Демократик давлат тушунчаси - бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида, мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштироқ этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан қафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратади. Демократик давлатда инсон манфаати, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. (Конституциявий ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 37-38-бетлар).

Ҳуқуқий давлат тушунчаси¹ - давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Бунда ҳуқуқнинг ҳуқумронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципи асосида ташкил этилган демократик давлат. Ҳуқуқий давлатда қуйидаги шартлар албатта бўлиши керак:

Демак ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

Халқ ҳокимиятининг амалга ошиши.

Ҳуқуқнинг ҳуқумронлиги. Яъни шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги.

Конституция ва қонуннинг устуворлиги.

Ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили.

Суднинг мустақиллиги.

Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.

Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.

Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Ҳуқуқий давлатнинг барча учун умумий бўлган андозаси йўқ. Уни ҳар бир давлат миллий давлатчилик борасида тажрибаларига таяниб, халқнинг зехнияти, кадриятлари ва анъаналарини ҳисобга олиб, ўзининг стратегик мақсадларига мос ҳолда шакллантиради. Лекин ҳуқуқий давлатчиликнинг дунё тан олган ва умумбашарий қоида ва талабларига жавоб берадиган биз юқорида 10 та тамойилларини баён этдик. Бу тамойиллар ҳуқуқий

¹ Қаранг: Азизхўжаев А., Хусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 140-бет; Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Тошкент: ЎзР ИИВА, 1999, 20-бет.

давлатнинг конституциявий асоси. Улар бизнинг Конституциямизда тўлиқ ақс этиши. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтириш учун, жамиятни демократлаштириш зарур. Бунда Президент Ислам Каримов таъкидланганидек,¹ 1) анъанавий мезонга эътибор бериш ва унинг билан ҳисобланиш лозим. 2) Аввал мамлакат аҳолиси турмушини юксалтириш лозим. Чунки турмуш онгни белгилайди. 3) Фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартириш керак. Турмушнинг юксалиши ўз навбатида одамлар онги ва тафаккур тарзини ўзгартиришга олиб келади. 4) Ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда, ҳеч зўриқиш ва талофатсиз эришимиз мумкин.² «Одамлар сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтқазиб бориши зарур».

Фуқаролик жамияти тушунчаси - инсоннинг ялпи ҳуқуқлари кафолатланадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган жамият тузилиши. Бунда ҳар бир фуқаро, жумладан, Ўзбекистон фуқароси ўз ихтиёри билан фуқароликдан чиқиши мумкин. Фуқароликдан чиқмоқчи бўлганлар олдида маълум шартлар қўйилади, яъни улар давлат, жамоа, фуқаролар олдида ҳеч қандай мажбуриятга, қарзга бўлмаслиги, давлат ва ҳарбий сирлардан воқиф бўлмаслиги керак. Агар фуқароликдан чиқишни илтимос қилувчи шахс айибланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, у фуқароликдан вақтинча чиқарилмайди. Куйидаги ҳолларда Ўзбекистон фуқароси фуқаролигини йўқотади:

Чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки ҳокимияти идораларига ишга кирса.

Чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароси 5 йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобига турмаса.

Фуқароликни сохта ҳужжатлар тақдим этиб олган бўлса.

Фуқароликдан чиқариш Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

Фуқаролик жамияти - демак, ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Ўзбекистон «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясини ишлаб чиқди ва уни изчилик билан амалга оширмоқда.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкилий тузилмаси ва унинг истиқболи.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб уни изчиллик билан амалга ошириш зарур. Жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигидан далолат бермоқда. Том маънода ўзини ўзи тартибга солиб

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998, 381-391-бетлар.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон Ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8 - Т.: Ўзбекистон, 2000, 333-бет.

турадиган бозор бўлмайди. Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозордир. Унинг турли андозалари давлат ва рақобатчилик томонидан тартибга солиш даражасининг нисбати билангина фарқ қилади.

Ҳозирги пайтда давлат иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жуда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолатидир.

Айни пайтда давлатнинг вазифаси ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмайди. Бозор муносабатларининг қарор топиши даврида давлат ислохот жараёнида фаол иштирок этиш, унинг ташаббускор бўлиши ва ислохотни изчиллик билан ва қатъийлик билан амалга ошириши шарт.

Давлат бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради. Бунда бозор институтларининг шаклланиш жараёни рақобат қонунлари таъсири ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ йўналишда амалга ошиши лозим.

Вужудга келатган ишбилармонлик тўзулмалари қарор топиши ва ривожланишига кумақлашиш давлатнинг бурчидир. Бундан ташқари, давлат ўз органлари орқали бозор механизмларини жорий этишга давлат этади, таркиб топган руҳиятни ва турачилик тусикларини бўзиб ташлайди.

Айниқса мақсадга қаратилган тузилма сиёсатини амалга оширишда давлатнинг аҳамияти катта. Бу халқ ҳўжалигининг устун тармоқларига сармояларини жалб этиш учун имтиёзли шароитгина эмас, шу билан бирга марказлаштирилган манбааларни янги истиқболли корхоналар кўринишига бевосита сарфлашдан ҳам иборатдир.

Давлат иқтисодиётининг бевосита давлат сектори орқали ҳам ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказади. Келгусида давлат секторининг улуши анча камаяди. Халқ ҳўжалигининг энг асосий ва стратегик аҳамиятига молик тармоқларигина давлат тасарруфида қолади. Шунингдек, давлат улардан ишлаб чиқаришни акциялашда иштирок этади.

Бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш, одатда иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқаришда ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида бевосита амалга оширилади.

Ўз мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйган республикаимиз учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг серқирра фаолияти билан бирга, унинг нутқлари, мақолалари, нашрий асарларининг ҳам аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бу асарларда ўзини қизиқтирган ҳар қандай саволга жавоб топиши мумкин. Юртбошимиз ўз асарларида ҳеч қачон энг мураккаб ва қийин муаммоларни четлаб ўтмайди, эътиборсиз қолдирмайди. Улар қаторида давлат тўғрисидаги, унинг роли ва вазифалари ҳақидаги масалалар олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Улар Президентимизнинг кўпгина асарлари ва нутқларида кенг ёритилган. Бу эса,

ушбу масалаларни у ғоят долзарб деб билишидан далолат беради. Баҳс мавзуимизга киришишдан олдин унинг мулоҳазалари, хулосаларининг илмий асосланганлигини, аниқ далилларга эғалигини, методологик ва услубий йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Ислом Каримов ўзининг илк асарларидан бири - «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида шундай тавсифни келтиради: **«Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»**¹.

Худди шу асарида у: «Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир., Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак»², деб таъкидлайди.

Бу эса, сиёсий ва давлат тузилиши инсонга: «... унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак»³ лигини аңлатади.

Гапни бир бошдан бошлаймиз. **Сиёсий соҳага** нисбатан бу қоидалар ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш; ҳокимиятнинг бўлиниши асосида миллий давлатчиликни барпо этиш; барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантириш; озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; бир мафкуранинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш; кўппартиявийликни амалда шакллантиришдан иборат.

Иқтисодий соҳа хусусида гапирадиган бўлсак, Президентимизнинг фикрича, бу қуйидагиларни аңлатади: қудратли ва барқарор ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш; мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини ва мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини таъминлаш; иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда якка ҳокимликка барҳам бериш; меҳнат қилиш, дам олиш ва ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш бўйича конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш; ишсиз бўлиб қолган тақдирда муҳофаза қилиш; табиатга ваҳшиёна муносабатда бўлиш, экологияга зарар етказилишига йўл қўймаслик.

Ижтимоий ва маънавий соҳада бу - инсонпарварлик ғояларига содиқлик; маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. қадимги ва замонавий маданий бойликларни билиш ва купайтириш; виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш; ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш; малакали тиббий хизматни таъминлаш; умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсий, мафкура. 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 44-бет.

² Ўша ерда.

³ Ўша ерда.

баравар ҳуқуқ бериш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Ислом Каримов оилани давлат ва жамиятнинг асоси, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у қуйидагиларни ёзади: «**Оила - жамиятнинг негизи.** Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушунишимиз мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-еҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак»¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат тўғрисидаги энг асосий ҳулосаларидан бири шудир.

Шу муносабат билан бозор муносабатларини ривожлантиришнинг давлат томонидан мувофиқлаштириб борилиши тизимида қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши улкан аҳамиятга эга бўлди. Булар иқтисодий эркин корхоналар ва фуқароларнинг ўзаро муносабатлари механизмини солиқлар тизими, монополистик фаолиятни чеклаш, гаров ҳуқуқини жорий этиш ва корхоналар банкротлигини қонуний йўл билан тан олиш орқали белгилаб берилди.

Ислохотчи-давлат мамлакат сиёсий ҳаётининг ранг-баранг бўлишига кўмаклашади. Республикада кўппартиявийлик жорий этилмоқда. Бу қоида республика Асосий Қонунида мустаҳкамланган бўлиб, унинг асосида мамлакатимизда илк бор ҳокимиятнинг олий органи - Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди.

Президентимиз айтганидек, ўз ислохотчи-давлатига ишонч-ҳурмат Ўзбекистон аҳолиси менталитетидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Ислохотларнинг ҳар бир одими, янги қонун ва ҳукумат қарорларининг ҳар бир лойиҳаси бизда инсонийлик нуқтаи, одамларга наф келтириши нуқтаи назаридан идрок этилади. Бизнинг халқимиз ғайриодатий, аммо тараққиёт учун зарур нарсаларга ишонч билан қарайди.

Республикаимизнинг беш йиллиги арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида сўзга чиқар экан, Президент Ислом Каримов қониқиш билан қуйидагиларни қайд этди: «Ана шу йиллар мобайнида давлатнинг ўзи ҳам анчагина ўзгарди - давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизими ва тузилмаси бутунлай янгиланди, уларнинг иш услуби ва шакли ўзгариб бормоқда, тоталитар тизимнинг қолдиқлари жадал бартараф этилмоқда. Давлатнинг ўтиш босқичидаги, миллий давлатчиликни қарор топтириш давридаги бундай роли, бугун кўриниб турганидек, ўзини тўла оқлади»².

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 178-бет.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997, 129-бет.

Давлат масаласи бўйича Президент Ислон Каримов асарларида илмий асослаб берилган назарий қоида ва хулосалар қайд этиб ўтилганлардангина иборат эмас. Улар мазмун-моҳиятан ниҳоятда чуқур, қамрови жиҳатидан эса ғоят даражада кенг ва хилма-хилдир.

Юртбошимиз асарларида, нутқлари ва маърузаларида, саволларга берган жавобларида давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинланадиган давлат органларининг ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги каби ўта мураккаб, жуда катта амалий, сиёсий ва улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган назарий масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Ислон Каримов асарларида назарий жиҳатдан асослаб берилгинидек, Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин давлат тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бизда барпо этилаётган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат ўзининг шакл-шамойили, сифат-мазмун, инсонпарварлик қоидаларига асосланганлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзи учун бош мақсад қилиб олганлиги ва бошқа хислат-фазилатлари билан собиқ совет давлатидан ер билан осмончалик фарқ қилади.

Ислон Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузасида дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшайдиган давлат ҳам йўқлигини, бундай бўлиши мумкин ҳам эмаслигини уқтириб шундай дейди: «Ҳар бир давлат - бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривож-нинг натижасидир»¹.

Мамлакатимиз Олий раҳбари ўша маърузасида собиқ совет давлатининг зўравонликка, тоталитаризмга, диктатурага асосланганлигини, оддий инсонлар манфаатларига зид бўлганлигини ўзининг қуйидаги чуқур маъноли сўзлари билан баён этади: «Биз ҳозир ўзгартираётган совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди.

Хўш, бундай тузум авваламбор кимга суянар эди? Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган ғоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди. Яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввалбошданок истиқболи

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 6-бет.

йўқ эди. Собик Иттифоқ худудининг гоҳ у, гоҳ бу ерида рўй бераётган бугунги кескин ижтимоий этник можаролар бунинг яққол мисолидир»¹.

Юртбошимиз асарларида мустақилликка эришгинимиздан кейин биз қандай давлат қураёмиз, унинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий негизи, қиёфаси қандай бўлиши керак, янги демократик жамият шаклланишидаги таъсири қандай бўлади, деган ўта мураккаб назарий масалаларга атрофлича жавоб берилган.

Ислом Каримов асарларини синчиклаб ўқиш ва улардаги назарий қоида ва ҳулосаларни чуқур мулоҳаза қилиш, қалбдан, юракдан ўтказиш жараёнида бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очик, демократик давлат қураётганлигимизни, қураётган давлатимизнинг шаклини, қиёфасини, инсонпарварлик моҳиятини яққол тасаввур қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Президент асарларида белгилаб қўйилгинидек, бизнинг давлатимиз ўзининг қуйидаги хусусиятларига эга:

* Бизнинг давлатимиз халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

* Давлат органлари ва жамики мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. «Собик тоталитар тузум шароитида, - дейди Президент, - бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир»².

* Асосий Қонунимизнинг 7-моддасида белгилаб қўйилишича, «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Бизнинг давлатимиз энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий кадриятларга асосланади. «Ватанимиз азалдан башарият тафаккури хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифацеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим»³.

Президент асарларида илмий асослаб берилгинидек, янгиланган жамият давлатининг ривожланиш йўлига асос қилиб олинган етакчи

¹ Ўша асар, 7-бет.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. ««Ўзбекистон»», 1996, 94-95-бетлар.

³ Ўша асар, 7-8-бетлар.

тамойиллардан бири: «Ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари - кексалар, ногиронлар, этим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда кўп аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу - фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш кафолатидир»¹.

Ислом Каримов ижтимоий ҳимоялашнинг жамият тараққиёти учун нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини, у фуқаролар тинчлиги - осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни қарор топтириш, сиёсий, давлат ва конституциявий тузумни мустаҳкамлаш калити эканини ўз асарларида қайта-қайта уқтириб келмоқда. Бу ҳақда у шундай дейди: «Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш омили бўлди»².

Қудратли, эркин, демократик давлат куриш ва мустаҳкамлашнинг, давлатчилик негизларини белгилашнинг энг муҳим омилларидан бири - ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдир. Ана шу назарий масалалар ҳам Ислом Каримов асарларида ўзининг чуқур илмий ифодасини топган.

Президентнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» асарида назарий асослаб берилгинидек, «бугун жамиятда ижтимоий мулкӣ жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат ғоясини ихчам бир хулоса билан ифодалаш мумкин. Яъни давлат жамиятнинг кескин табақаланишига - **ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак**».

Одамларнинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган тенг имкониятларни ва шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб бериш давлатнинг Президент асарларида илмий асослаб берилган асосий вазифаларидан бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг жамиятда тутадиган ўрни, обрў-еътибори, тараққиётимизга ижобий таъсир кўрсатиши давлат томонидан ана шу масаланинг тез ва ижобий ҳал этилишига бевосита боғлиқдир.

Президент асарларида илмий асослаб берилгинидек, жамиятимизда ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойда-ланиш, ўзининг ва қариндош-уруғларининг кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун барабар имкониятларни вужудга келтириш ва амалга ошириш давлатимизнинг Яна бир муҳим вазифасидир.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 48-бет.

² Каримов И.А. «Ўзбекистон XXII аср бўсағасида: ҳавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 218-бет.

Ислом Каримовнинг давлат ҳақидаги назарий таълимотида суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи - мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш - ҳукуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан бири тариқасида алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги тарихий босқичида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини, шаъни, кадр-қиммати, миллий ғурурини ҳимоя қилиш асосида ижтимоий адолатни қарор топтириш судларнинг ва ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мезонга айланмоғи лозим.

Одамларнинг судларга бўлган эскича қараш, тасаввур ва тушунчаларини батамом ўзгартириш зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Одамлар ҳозиргача ҳам кўпинча, суд бўлди, деса кимдир жазо олди, кимнингдир тақдири ҳал бўлди, деб тушунишади. Ҳолбуки, суд бўлди, деганда, одамлар ҳимоя қилинди, ҳақ жойида қарор топди, деган тушунча одамлар онгига мустаҳкам сингиши керак. Бунинг учун, - дейди Президент, - суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга, ижтимоий адолат посбонига айланиши, халқнинг ишонч қалъасига айланиши, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаши лозим.

Ислом Каримов бу хусусда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади»¹.

Президент суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида (1996 йил 29 август) сўзлаган нутқида таъкидлаганди. Ўша нутқида Ислом Каримов бугунги кунда айрим суд қарорлари ўз вақтида ижро этилмаяпти дейди. Ҳар бир суд қарори сўзсиз бажарилишини таъминлашга имкон берадиган пухта механизм барпо этилмагинини, қолаверса, хўжалик судлари тизимида бундай тузилма умуман йўқлигини бунга сабаб қилиб кўрсатди. Суд қарорлари ижросини тартибга солиб турувчи қонун қабул қилиш зарурияти туғилганлигини қайд этди: судларнинг ижро этувчи ҳокимият ва энг аввало жойлардаги ҳокимлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш фурсати етди. Ҳокимлар судларни камситишга, ҳар қандай усуллар билан уларга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган ҳоллар ҳам маълум. Бундай фактларнинг қатъият билан пайи қирқилиши керак.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 29-30-бетлар.

Ислом Каримов асарларида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш, улар биринчи навбатда судлов амалиётида ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишлари лозимлиги қайта-қайта тилга олиб келинаётганлигини зўр мамнуният билан айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбари адвокатлар мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш зарурлиги ҳақидаги назарий қоидасини ижодий ривожлантириб ва бойитиб, Республика Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси (1999 йил 14 апрел)да шундай дейди: «Биз **адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш**, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз.

Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли қонуний ҳукм чиқаради»¹.

Президентнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда» номли ва бошқа кўпчилик асарлари, маърузалари, нутқлари, саволларга берган жавобларида олдимизда фуқаролик жамиятини қуришдек ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи вазифа турганлиги таъкидланган. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. **«Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз.** Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини Янада ривожлантириш демакдир»².

Тарихий тараққиёт жараёнида бугунги ўтмиш даври учун муҳим ва зарур бўлган давлатимиз функциялари ва аломат-лари бора-бора тадрижий равишда марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўта боради. Бунинг ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президент асарларида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилганидек, фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларни амалга оширади.

Ислом Каримов давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган энг муҳим умуммиллий вазифалар ни-малардан иборатлигини ўз асарларида аниқ ва равшан баён этди. «... **Шундай давлат ва иқтимоий**

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 29-бет

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 11-бет.

тузилма яратиш керакки, - дейди бу ҳақда у, -унда кучли марказий ҳокимият ўз савийҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур»¹.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш ва бошқа шунга ўхшаш стратегик аҳамиятга молик масалалар ҳам давлат миқёсида ҳал этилади.

Ислом Каримовнинг «Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби», «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда», «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» асарларида аниқ белгилаб берилгинидек, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сингари қолган барча масалалар маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак.

Ислом Каримов асарларида фуқаролик жамиятини қуришда бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, биринчи навбатда маҳаллалар ихтиёрига босқичма-босқич топшириш кўзда тутилганлиги белгилаб берилган.

Маҳалла - ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб, асрлар синовидан ўтган самарали бўгинидир. Маҳалла жамоа аъзоларини уюштириш, бошини-бошига қовуштириш, дўстлик, қон-қардошлик, ҳамкорлик, ҳамжихатликни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг, миллий қадриятлар қарор топиши ва ривожланишининг, миллий урф-одатлар ва анъаналарни сақлаб туриш, тиклаш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этишнинг, ўсиб келаётган ёш авлодни миллийлик, миллий ғурур ва ифтихор, халқпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг тарих синовидан ўтган, ҳаётда ўзини оқлаган ва оқлаб келаётган энг муҳим омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Маҳалла аҳли бир-бирининг аҳволидан, иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туришади, яхши-ёмон кунида ҳамкор-ҳамдард бўлишади. Хонадонлардан бирида бирон-бир қорхон, ғам-ташвиш рўй бергудек бўлса, биринчи бўлиб қўни-қўшнилар, маҳалладошлар хабар топиб, кўмак беришга, дардкашнинг дардига малҳам бўлишга, моддий-маънавий, руҳий кўмак беришга ошиқадилар. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту байрамлар ҳам, ҳашарлар ҳам маҳаллада ўзаро ҳамкорликсиз ўтмайди.

Маҳаллаларда маданий, ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997, 129-130-бет.

Озодагарчилик, тартиб-интизом, экология масалалари, табиатни эъзозлаш, газ, сув, электрдан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш, болалар тарбияси, исрофгарчиликка қарши кураш, тўй тантаналари, юбилейларни замонавий талаблар асосида ўтказиш, маданият, маънавият ва маърифатни юксалтириш, ҳуқуқий таълим-тарбияни яхшилаш сингари масалалар бўйича умуммахалла миқёсида доимий равишда тадбирлар ўтказилиб турилади.

Маҳалла кекса авлод билан навқирон авлодни туташтириб, қовуштириб турадиган, ҳаётга эндигина кириб келаётган норасидалар, йигитчалар ва қизалокларни ёши улуг, ҳаётий тажрибаси бой, ақли зукко кишилар йўл-йўриқлари, ўғитлари асосида тарбияладиган, сабоқ берадиган маскандир.

Кимнинг кимлиги, нималарга қодирлиги, билимдонлиги, ҳаётий тажрибаси, феъл-атвори, иймон-еътиқоди, ҳалол-поклигини аниқ белгилаб берадиган, тошу тарозидан ўтказа-диган асосий маскан, энг катта мезон - маҳалладир.

Маҳалланинг таълим-тарбия мактаби, ҳаёт дорилфунуни сифатидаги аҳамияти шу қадар каттаки, унинг бу борадаги ўрни ва ролини аниқ ва мукамал баён етиш, моҳиятини тўла ёритиш ҳеч ҳам мумкин эмас.

Маҳалла томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, таълим-тарбиявий, ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳалардаги вазифалар ҳаддан ташқари кўп ва хилма-хил, камрови ниҳоятда кенг.

Маҳалла ваколатига кирадиган функциялар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши ҳақидаги қонунлар, қарорлар ва расмий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Ислом Каримов «Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин» номли рисоласида ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда мос бўлган усули - маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бораётганлигини, зеро, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқлигини қуйидагича ифодалайди: «Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу - сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала-дир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани эчишга қурби этади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси Ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. энг зўравон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида юввош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма - у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсунмишга мажбур. Шунинг учун, такрор айтаман, айрим «бели бакуватлар» ҳам, қутуриб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади. Қулоқ солмай ҳам кўрсинчи! Шундай экан, барча масалада

маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим»¹.

Президент асарларида илмий асослаб берилган назарий қоида ва ҳулосалар мазмун ва моҳиятидан англашилиб турилгинидек, давлат, давлатга қарашли тузилмалар ўтиш даврининг бошида ҳал қилувчи рол ўйнади. У ислохотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди, устувор йўналишларни танлашда фаол иштирок этди, ислохотларни рўёбга чиқаришни, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлади. Мустақилликнинг дастлабки, энг оғир йилларида давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини, қолаверса, амалда республиканинг бутун аҳолисини ўтиш даврининг қийинчиликларидан ҳимоя қилишдек мураккаб вазифани ўз зиммасига олди.

Йўлбошчимиз юқоридаги фикрларини Янада давом эттириб, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Айнан давлат янги ҳуқуқий база ва янги ижтимоий муносабатлар шаклланишида, эркин демократик меъёрларга ўтишда, кўп укладли иқтисодиёт ва бозор инфраструктурасининг қарор топишида, янги банк, молия, солиқ тизими шаклланиб, янги мазмун билан бойишида ташаббускор бўлди»².

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон» 2008 й.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т,: Ўзбекистон, 1996, 3-20-бетлар.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т,: Ўзбекистон, 1996, 8-54-бетлар.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. -Т,: Ўзбекистон, 1997, 282-309-бетлар.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т,: Ўзбекистон, 1998, 31-261-бетлар 381-391-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 35-83, 222-331-бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. 3-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1995, 12-бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 35-50-бетлар.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 415-683-бетлар.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 281-бет.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997, 129-бет.

10. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд. Т.: Ўзбекистон 1999, 96-98-бетлар.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Асарлар. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-бет.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-333-бетлар.
13. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 504-505-бетлар.
14. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
15. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрель.
16. Каримов И.А. Тинчлик ҳавфсизлигимиз ўз куч-қувватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
17. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
19. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
20. Каримов И.А. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». Т. «Ўзбекистон», 2005.
21. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001.
22. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: «Халқ мероси», 1993.
23. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
24. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. «Ўзбекистон» - 2001.
25. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 10-11-бетлар.
26. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Тошкент: «Адолат», 1997.
27. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма), Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 41-50-бетлар.
28. Пугачев В.П. Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 386-403-бетлар.
29. Темур тузуклари. Тошкент, 1991.
30. Алиев Б.А., Рафиқов Г.А., Султонов Т., Рахмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005, Тошкент.

31. Бекмуродов А. Ш., Алиев Б., Бобоев А. ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент, 2005.
32. Политология асослари. Т,: «Университет» , 1992, 81-95-бетлар.
33. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Т,: «Ўзбекистон», 1992, 225-246-бетлар.
34. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланмаси. Т,: ТошДТУ, 2-китоб, 1996, 21-49-бетлар.
35. Рамазонов И, Мўминов Э. Политология. Дарслик. Т,: «Адолат», 1997, 108-109-бетлар.
36. Отамуродов С., Эргашев И., Акрамов А., Қодиров А. Политология. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 65-72-бетлари.
37. Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Тошкент: М.Улуғбек ном. ЎзМУ, 2000, 11-14-бетлар.
38. Политология. Маърузалар матни. ЎзРОЎМТВ, Тошкент: 2000, 81-92-бетлар.
39. Машарипов О., Ҳошимов Т., Рафиқов Ғ.А. Политология. Т.: ТошДИУ, 41-57-бетлар.